



## AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 06 | pp. 43-46 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

### БУХОРО ВИЛОЯТИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ КЛАСТЕРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ



**Хакқулов Элдар Худойбердиевич**

Бухоро мұхандислик технология

институты таянч докторант

**Аннотация.** Ушбу мақолада рақамли технологияларни иқтисодиётдаги ўрни ва унинг миллий иқтисодиёт ривожланишига тасири кўриб чиқилган. Мақолада рақамли технологиялари кластерини жаҳонда тараққий топган давлатларда ривожланиш жараёнлари ўрганилган. Шунингдек Бухоро вилояти мисолида рақамли технологиялари кластерини ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар.** рақамли технологиялар, миллий иқтисодиёт, рақамли иқтисодиёт, кластер, платформа, замонавий технологиялар, электрон ҳукумат, телекоммуникация инфратузилимаси.

### DEVELOPMENT OF A DIGITAL TECHNOLOGY CLUSTER IN THE BUKHARA REGION

**Khakkulov Eldar Khudoyberdievich**

doctoral student of Bukhara

engineering technology institute

**Abstract.** This article examines the role of digital technologies in the economy and their impact on the development of the national economy. The article examines the development processes of the digital technology cluster in developed countries of the world. Also, considered, the example of the Bukhara region, the prospects for the development of a digital technology cluster.

**Keywords.** digital technologies, national economy, digital economy, cluster, platform, modern technologies, e-government, telecommunications infrastructure.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг ривожланиши рақамли соҳасининг фаол ўсиши ва натижада ушбу соҳада рақобатнинг қучайиши билан тавсифланади. Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг рақобатбардошлик даражаси бевосита унинг мижозлар эҳтиёжларини қондириш ва ҳатто ундан ошиб кетиш қобилиятига боғлиқ. Бу ҳолатни етарлича баҳоламаслик компаниянинг бозордан четланишига олиб келиши мумкин. Шу муносабат билан бугунги кунда доимий истеъмолчилар сонини кўпайтириш рақамли технологиялар соҳасининг стратегик вазифаси бўлиб,

уни амалга ошириш фақат инновацияларни жорий этиш орқали ташкилий фаолият сифатини доимий равища ошириб бориш мумкин бўлади.

Инновацияларни жорий этиш асосида рақобатбардошликтни бошқариш муаммоси бутунги кунда энг истиқболли ва жадал ривожланаётган соҳалардан бири сифатида рақамли технологиялар соҳасидаги корхоналар учун айниқса долзарбдир. Ушбу соҳа мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади, аммо мамлакатимизда яқин вақтгача инновацион шаклланиш стратегиясига асосланган рақамли технологиялар хизматларининг рақобатбардошлигини таъминлашга етарлича эътибор берилмаган, бунинг натижасида. истеъмолчиларга хизмат кўрсатишида, уларнинг талаб ва истакларига эътибор қаратишида мутлақо янги босқичга кўтарилиш имконини берувчи инновацион шаклланиш тизимини ишлаб чиқиш зарурат туғилмоқда. Бу эса ўз навбатида рақамли технологиялар корхоналари фаолиятида инновацион шакллантириш стратегиясини яратиш орқали, бу истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондириш ва рақобатбардошликтининг зарур даражасини сақлаб қолиш имконини беради. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, рақамли технологиялар корхоналари фаолиятида инновацион шакллантириш стратегиясини яратиш инновацион инфратузилма орқали амалга оширилади.

2022 йилда юқори технологияли компанияларга киритилган сармояларнинг умумий ҳажми бўйича биринчи ўринда АҚШ (353,8 миллиард доллар), кейинги ўринларда Хитой (91,3), Буюк Британия (54,9), Ҳиндистон (41,7) ва Австралия (25,5) туради. Биргаликда ушбу беш мамлакат компаниялари инвестицияларнинг 72,9 фоизини ташкил қиласи; энг катта улуш эса АҚШга (45,4%) тўғри келади. Иккинчи ўринни Хитой (11,7%) эгаллади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, юқори технологияли тармоқлар ресурсларини илмий-тадқиқот соҳаси салоҳияти билан уйғунлаштириш асосида корхоналарнинг технологик рақобатбардошлигини таъминлаш вазифаси кластерлар доирасида самарали ҳал этилмоқда.

Кластер - бу ягона ташкилий тузилмага бирлашган, элементлари ўзаро боғланган ва ўзаро боғлиқ бўлган ҳамда маълум бир мақсад йўлида биргаликда фаолият кўрсатадиган ўзаро боғлиқ бўлган турли тармоқларнинг хўжалик юритувчи субъектлари йиғиндисидир. Бир нечта мустақил хўжалик юритувчи субъектлардан самарали технологик занжирларни шакллантириш стратегик жараён бўлиб, уларни амалга ошириш учун авваломбор узоқ муддатли инвестицияларни талаб қилинади ва потенциал тизимлар учун яратилган шарт-шароитлар ҳамда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш натижасида ижобий кўрсаткичга эришилади. Кластер тизимини ривожлантириш учун авваломбор ўзаро ҳамкорликда фаолият юритувчи хўжалик субъектларининг ҳар бири учун қўшимча имтиёзлар тизимини, яхлит тизимни таъминлайдиган ягона фаолият тизимини шакллантириш учун маълум бир рағбатлантириш механизmlарини яратиши талаб этилади.

Кластерларни инсон капитали, илмий, инновацион ва ишлаб чиқариш салоҳиятини жамланган жойи сифатида кўриб чиқилиши керак. Бундай комбинация мавжуд бўлгандагина кластерлар барқарор, тизимли равища

ривожланади ва рақобатбардош бўлади. Хорижий давлатларда кластерлар иқтисодиётнинг барча тармоқларида аллақачон етакчи тизимга айланган. Кластерлаш жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг янги куриниши сифатида хизмат қилмоқда. Кластерлаш етакчи мамлакатлар иқтисодиётининг 50% дан ортиғини қамраб олган. Масалан, Европа Иттифоқида 2 мингдан зиёд кластер мавжуд. Улар ишчи кучининг 38%ини қамраган. Дания, Финляндия, Норвегия, Швеция саноатига бу усул тўлиқ татбиқ қилинган. АҚШда хусусий сектордаги одамларнинг 32%, Швецияда меҳнатга лаёқатли фуқароларнинг 39%и кластерларда ишлайди. Ҳиндистон кластерларида мамлакат экспортининг 60%дан кўпроғи ишлаб чиқарилади.

Бугунги кунда кластернинг асосий хусусияти унинг инновацион йўналишидир. Бунга яққол мисол сифатида АҚШ тажрибаси инновацион кластерлар шакланишини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш - Кремний водийсини келтириш мумкин. АҚШдаги "Кремний водийси" номи билан дунёга машҳур кластерга ҳавас қиласа арзиди. Унинг таркибига 87 мингта компания, 40 та тадқиқот маркази ва ўнлаб университетлар кирган. Мазкур инновацион кластер инфратузилмасига 180 та венчур фирмаси, 47 та инвестиция ва 700 та тижорат банки хизмат қўрсатмоқда.

Кремний водийсида электроника ва ахборот технологиялари соҳасида фаолият юритувчи жуда куплаб компаниялар фаолият юритишмоқда. Кремний водийсида 386 000 дан ортиқ АТ-мутахассисларини иш билан таъминлаган технологик марказига айланди. Бу АҚШларида фаолият юритувчи АТ муҳандисларининг тахминан 40%ини ташкил этмоқда.

Кластерлар ўзаро боғланган тармоқлар концентрацияси юқори бўлган минтақавий миқёсда шакланиши мумкин. Айни вақтда инновацион кластер йўналиши миллий иқтисодиёт учун истиқболли эканлигини намоён этмоқда.

Ахборот-коммуникация технологиялари саноати дунёдаги энг тез ривожланаётган тармоқлардан биридир. Саноатнинг ўсиши бевосита ахборот технологияларининг иқтисодиёт тармоқларига ва ташкилотларнинг бизнес жараёнларига, бошқарув механизmlарига ва одамларнинг кундалик ҳаётига жадаллик билан кириб бориши билан боғлиқ.

Маълумки, Ўзбекистон дастурий таъминотни ишлаб чиқиши соҳасида юқори профессионал даражага эга, аммо шу билан бирга, университет битириувчиларининг фақат кичик бир қисми дастурий таъминотни ишлаб чиқиши компаниясида ишга жойлашиш учун етарли малака даражасига эга. Натижада дастурий таъминот ишлаб чиқарувчи компаниялар зарур миқдордаги малакали кадрлар билан шартномалар тоза олмагани учун ҳар йили миллионлаб АҚШ долларини йўқотмоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакатда кадрлар танқислигига олиб келади. Бундан ташқари, дастурий таъминот саноати компаниялари томонидан яратилган нисбатан паст қўшилган қиймат аутсорсингнинг анча юқори улуши билан изоҳланади.

Бухоро вилоятида рақамли технологиилар ривожланиши жорий ҳолати ва муаммолар ҳақида маълумот қўйилади.

Шу билан бирга, ахборотлаштириш соҳасида Бухоро вилоятида қўйидаги муаммолар мавжуд, хусусан:

- Минтақанинг халқ хўжалиги комплексини тармоқларини ахборотлаштириш даражасининг пастлиги;
- Ахборотлаштириш миллий дастурини амалга оширишга қаратилган молиявий, моддий, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлитининг пастлиги;
- Аҳолининг компьютер саводхонлигининг етарли даражада эмаслиги;
- рақамли технологиялар соҳаси корхоналари ҳамда соҳада кадрлар тайёрловчи таълим муасссаларида, илмий тадқиқот ташкилотлари орасида хамкорлик етарли даражада урнатилмаган;
- Дастурий маҳсулот ишлаб чиқариш етарли даражада эмас;

Шундай қилиб, телекоммуникация ва дастурий таъминотни ишлаб чиқиш соҳасида сезиларли салоҳиятига эга бўлган Бухоро вилоятида рақамли технологиялари кластерини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиша тизимли ёндашувни қўллаш орқали ракобатдош устунликларини мустаҳкамлаши мумкин. Ушбу стратегия Бухоро вилоятини ахборотлаштириш дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларига эришиш учун замонавий ахборот-коммуникация инфратузилмасини яратишга замин бўлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 февралдаги ПҚ-87-сон қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. <https://digital.uz/> - O'zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligi rasmiy web sayti.
3. [www.it-park.uz- It Park Uzbekistan rasmiy web sayti  
https://unctad.org/system/files/official-document/wir2023\\_Key\\_Messages\\_and\\_Executive\\_Summary\\_ru.pdf](https://unctad.org/system/files/official-document/wir2023_Key_Messages_and_Executive_Summary_ru.pdf)
5. <https://www.cer.uz/en/post/publication/cifrovye-investicii-rost-na-fone-pandemii>

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

